Мабодо ўрта асрларда Флоренция осмонига самолётлар галаси ёпирилиб келсаю вайрон килувчи авиабомбаларни ёгдира бошласа, шахар ахолиси тушгуси дахшат ва вахиманинг чек-чегараси бўлмас эди. Агар бу самолётлар Флоренция тепасида тахминан биринчи жахон уруши даврида пайдо бўлиб колса ва шахарни бомбардимон кила бошласа, буни факат бир жихатдангина тушуниш мумкин эди — зеро, одамлар бу даврга келиб, самолёт, бомба деган нарсалар нима эканлигини англаб етишган эди. Лекин шунда, хам ушбу вайронгарчиликни вахшийликдан бўлак нарса деб изохлаш мумкин бўлмасди. Зотан, Флоренция Европа маданиятининг рамзи, усталар ва меъморлар, рассомлар ва хайкалтарошлар силсиласидан иборат ўнлаб авлод мехнатининг натижаси ўларок вужудга келган меъморчилик кўрикхонаси хисобланади.

Бари бир, музей шахарнинг бомбардимон килинишини хеч кандай гоя билан, саройларда бекиниб олган душманни янчиб ташлашга каратилган бирон-бир харбий-стратегик режа ёки ўзга бир важ билан оклаб бўлмайди. Ўкувчи: «Бу сафсатанинг нима керага бор?», дейиши мумкин. Гапнинг «берди»сини эшитинг. XX аср бошларида Бухоро амирлиги емирилди, шу тарихга бир назар ташлайлик. Ўша пайтдаги Бухоро амирлигини Флоренциядаги демократия билан киёслаб бўлмайди, албатта. Бухоро юзлаб куллар бандиликда сакланган шахар, шафкатсиз мутлак хокимликнинг пойтахти эди. Айни пайтда Бухоро — Шаркнинг кадимий шахарларидан бири, мусулмон ренессанси шаклланган ва гуллаб-яшнаган гўша, Шаркнинг ўзига хос тарихий-меъморчилик музейи эди.
1920 йилда Туркистонда Совет хокимиятининг Бухоро амирлигига карши бешафкат, муросасиз кураши авж олди. Бухорода ёш бухороликлар партиясининг аъзолари кўзголонга тайёрлана бошлашди. Нихоят, шахарга хужум бошланди. Ёрдамга авиация ташланди. «Кумдаги жанглар» (Ўрта Осиёда гражданлар уруши тарихига доир материаллар, 1935 й. М. Горький тахрири остида) китобида таъкидланишича, Бухорони бомбардимон килиш учун «Туркистон фронтига илгари мисли кўрилмаган бутун бошли хаво кемалари армадаси ташланди» (298-бет). 1920 йил август ойининг сўнгги кунларидан бирида Бухоро якинидаги Когон станциясида ўнга якин самолёт шайлаб кўйилди. Улар орасида самолётларнинг «форман», «фарсал», «совпвич», «ньюпор», «вуазен» ва «альбатрос» каби турлари бор эди. Чоржўйдан махсус авиаотряд (самолётлар дастаси) олиб келинди. Юкоридаги китобда кайд этилишича, Степанов, Столяров, Фоусек, Ильин, Зеленский каби учувчилар бомбардимон килишга тайёрлаб

кўйилди. Бу орада Бухорога самолётларнинг биринчи учиши ўз ишини килиб бўлган эди. Иккинчи учишда эса хар бири 64 килограмм келадиган бомбалар бир неча юз метр баландликдан тўппа-тўгри «амирнинг беадад бойликлар тўпланган кордек оппок саройига» ёгила бошлади (299-бет). Фоусек деган учувчи бошкарган «Форман» туридаги енгил бомбардимончи самолёт ўз юкларини шахарга «муваффакият» билан ташлаб, хаммадан кейин кайтиб кетди. Учинчи кун эрталаб бомба ортиб олган самолётлар тагин Бухоро томон ёпирилишди.

Бухоронинг бомбардимон килиниши иштирокчиси ва шохиди, синовчи-учувчи Фоусек шундай хотирлайди: «Биз Бухорони бомбардимон килдик. Кадимий амирликни вайрон этиб ташладик. Хусусан, машхур «Ажал минораси»га тушган бомба, гарчи мохиятан бу миноранинг мўлжалга олиниши биз учун мутлако фойдасиз бўлса-да, бизга алохида завк-шавк багишлади» (303-бет). Шундай килиб, учувчи, бомбардимон иштирокчиси ташланган бомбалар хеч кандай харбий хавф-хатар тугдирмайдиган бино ва обидаларни бемаъни равишда вайронага айлантирганини очик-ошкора тан олади. У тагин бундай деб ёзади: «Бомба олиб учиб борар эканман, пастда бир мачитни кўриб колдим. Мен худди мезанани кўпориб ташладим, деб мактанди бир кузатувчи учувчи, биз мирикиб кулдик. Шу-шу кузатув-чи учувчининг лакаби «мезана» бўлиб колди» (303-бет).

«Замбараклар дарвозаларни ва якин-атрофдаги ахоли яшайдиган мавзеиларни вайрон килаётган» (304-бет) бир пайтда авиация ахоли ва амир армиясига дахшат солибгина колмасдан, вахимадан эси огиб колган ахоли тўпланган токлар, гумбазлар ва мачитларга бомбалар ёгдирди. Зеро, ахоли бу пўлат канотли кушларни умрида кўрмаган эди. 20-йилларда Бухоро ахли учун самолётларнинг пайдо бўлиши дўзахдан, киёмат-койимдан бўлак нарса эмас эди.

Замбараклар тўгри мўлжалга олиши учун махсус аэростатлар учирилди. Авиация кўмондони «бензин ва бомба тугагунга кадар» (304-бет) шахарни бомбардимон килиш хакида буйрук берди. Тошкентдаги Туркистон харбий округи музейининг кўргазмаларида таъкидланишича, Николай Алексеевич Ласкин деган учувчи хужум пайтида Бухорога 26 пуд бомба ташлаган.

Бомбардимон учинчи кунда хам давом этди. «Амирнинг шахар чеккасидаги кароргохи — Ситораи Мохи Хоссани бомбардимон килдик. Амирнинг хиди келган хамма жой ва хамма нарсани вайрон этдик». Дарвоке, Ситораи Мохи Хоссада амир харамидаги аёллар ва хизматкорлар яшар эди.

Амирга карши урушнинг бошка бир иштирокчиси ва шохиди бўлмиш В. Клеменьев «Совет Туркистони учун» деган китобида (Тошкент, 1963, 458-459-бетлар) Бухоро амирлиги кўшинининг фавкулодда саросима ва вахимага тушиб колганини ёзади. Амирнинг кароргохи — Бухоро Арки минг йил бўлмаганда хам, бир неча юз йиллик тарихнинг гувохидир. Аркнинг оппок тош ва мармар миноралари, асосий саройи юзлаб чакирим наридан кўриниб туради. Бомбардимонда Аркнинг асосий мезана ва миноралари вайрон килиб ташланди.

Бухоро 30 та минорадан иборат кадимий калъа девори билан ўралган эди. Ана шу миноралар ва девор карийб бутунлай яксон килинди. Артиллерия ва авиация тўгри нишонга олиш йўли билан бу калъани бузиб ташлади. Деворда ўн битта кадимий дарвоза бўлиб, уларнинг баъзилари темирдан ясалган эди.

Юкорида номи тилга олинган китобда Бухоронинг ана шу ўн битта дарвозасидан бири кандай портлатилгани тасвирланади. «1 сентябрь куни соат 3 ларга якин Карши дарвозасининг чапрогида девор ости чукур ковланиб, 52 пуд портловчи модда кўмилгани

ва портлаш учун тайёрлаб кўйилганлиги хакида инженер маълумот берди» (462-бет). Бухородаги бу уруш нихоятда шафкатсиз бўлди. Хар бир гузар, хар бир ховли учун жанг кетди. Канча киши халок бўлгани тарих учун сирдир. Бундай маълумотларнинг ўзи йўк. Бирок бир неча кун муттасил артиллерия хужуми ва хаводан ялпи бомбардимон килиниши натижасида Бухородаги кўпгина иншоатлар карийб бутунлай вайрон бўлди. Бугунгача омон турган ёдгорликлар эса гумбаз ва токлар панасида «жон саклашган» эди. Бирок ана шу омон колган обидаларнинг ўзи хам ватанимиз ва жахон маданиятининг фахри хисобланади.

Бухоро амири 1920 йилда кочиб кетишга муваффак бўлди. Унинг кетидан кувлаб, хужум килиб борган авиация уни чегарада тўхтатиб кўйишига оз колди. Ташиб кетилаётган баъзи олтинлар ва амир хонадонига мерос дур жавохирларнинг бир кисми, хар калай, кўлга киритилди ва Москвага жўнатилди.

Дунёнинг турли бурчакларидан келадиган минглаб туристлар унинг обидаларини хайрат билан томоша килишади. Якинда Бухоро шахрининг «интурист»ида ишлайдиган гид зилзила натижасида оппок тошлардан курилган арк кулаб тушганини жуда жонли килиб тушунтириб берди. Лекин унинг бу изохлари алланечук ишончсиз чикди. Бунинг устига, кўпгина сайёхлар, нега энди Аркдан кўра омонатрок бўлган иморатлар зилзиладан омон колди-ю, бу обидага зарар етди, деб сўрашди. «Ахир, Бухоро Арки бомбардимон пайтида вайрон бўлганини уларга кандай килиб хам айта оламан», деб кейинрок менга шикоят килиб колди гид.

Бугунги ошкоралик ва покланиш даврида 1920 йилда Бухорода содир бўлган вокеаларга кайтмаслигимиз мумкин эмас.

Муаррихларимиз ўша йилларнинг кахрамонликка ва фожиаларга бой вокеаларини тўлик ёритишлари лозим. Бугунги ошкоралик даврида Бухорода рўй берган вокеалар тарихимиз сахифаларидан ўзининг хакикий ифодасини топади, деган умиддамиз.

…Бухорони бомбардимон килиш шартмиди? Амирни бошкача йўл билан енгиш мумкин эмасмиди? Жахон маданияти ёдгорликлари — инсониятнинг дахлсиз бойлиги-ку ахир. Бухоройи шариф хам бундан мустасно эмас эди-ку. Бухоронинг бомбардимон килиниши — гражданлар уруши давридаги энг улкан фожиалардан биридир. Уни бизнинг хотирамиздан ўчириб ташлаб бўлмайди.

Тохир ТОИРОВ, хукукшунослик фанлари доктори, профессор
1989 йил